

Рамазоннинг 41 фазилати (ўн бешинчи мақола)



15:00 / 10.05.2020 2016

36. Рамазон болаларни ибодатга қизиқтириш ва чиниқтириш фурсатидир. Саҳобаи киромлар болаларни рўза билан ибодатга ўргатар ва бунинг учун уларга одатдагидан ташқари эътибор беришар, турли ўйинчоқлар билан уларни ўйнатишар эди.

Имом Бухорий Рубайийъ бинти Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: «Биз ёш болаларимизга рўза туттирардик ва уларга жундан ўйинчоқ қилиб берар эдик, бирортаси овқат деб йиғласа, то ифтор вақти бўлгунча унга ўшани бериб қўяр эдик».

37. Рўзадорнинг оғзидаги ҳид Аллоҳнинг наздида мушқдан кўра хушбўйроқдир. Аслида оғиздан ҳеч қачон хушбўй ҳид чиқмайди. Аммо

рўзанинг шарофатидан ўша ёқимсиз ҳид Аллоҳ таолонинг наздида дунёдаги энг хушбўй нарса, хушбўйлик ҳақида гап кетганда зарбулмасал қилинадиган мушқдан кўра ёқимлик, хушбўйроқ саналар экан. Ана шундай фазилятга Рамазон шарофати билан эришилади.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушқнинг ҳидидан хушбўйроқдир», деганлар».

Шунинг учун ҳам, уламоларимиз куннинг иккинчи ярмида тишни мисвок қилмаган яхши, чунки мисвок Аллоҳнинг наздида мушқдан хушбўй саналган мазкур ҳидни кетказиб юбориши мумкин, дейдилар.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид